

Ғаллаорол халқининг фольклор йўналишидаги қўшиқ ва куйларида ўзига хос оҳанг, сўзлар уйғунлиги, мусикий устамонлик ижро йўлларининг бошқа жойларда учрамайдиган каби жиҳталари билан катта фарқ борлиги кўриниб туради. Тўғри, айрим қўшиқлар оҳанглари, сўзлари бошқа вилоятлар туб аҳолсининг қўшиқларига ҳам ўхшашлик тамонлари борлиги бу қўшиқ шу вилоятдан олинган ёки ўрганилган вилоят аҳолиси қўшиғи деган фикрларнинг тасдиқланмаслигини қайта таъкидлаган бўлур эдим. Чунки Ўзбекистонимизнинг қайси бир гўшасига борсангиз ўзининг урф-одатлари, қўшиқлари, расм-русумлари бор. Бу факторларнинг бизнинг миллатимиз санъатининг бойлигидан яъни юқоридаги фикрларимизга қайтадиган бўлсак, ҳар бир жойдаги маҳаллий ижрочиларнинг ҳар доим ҳам ёшлари бир хил бўлавермайди, чунки репертуар танлашда усталик билан ижрочилар ҳам бир-биридан фарқ қилса ана шу ҳолат қатнашчиларга мос қўшиқлар, рақслар, куйлар танланади.

Бу ҳолат фольклор қўшиқлар ижросига ҳеч қачон салбий таъсир кўрсатмайди, аксинча кексалардан ёшларга, авлоддан авлодга, оғиздан қулоққа ўтишини таъминлайди.

Фольклор жамоалар фаолияти ёшлар ва ёши ҳар-хил бўлган қатнашчилардан иборат эканлигини инобатга олаждиган бўлсак, уларнинг ёшига ва жинсига қараб танланган қўшиқлар ижрочиларда ўз тарбиявий таъсирини кўрсата олади. Чунки фольклор қўшиқларимизда насихат, танқид, кесатик, сўкиш, мактов, алқов ҳаттоки қарғиш сўзлар ҳам учрайдики бу ҳар бир сўзнинг ўз мантикий мақсади бор. Фикримизни яқунлаб бир нарсага амин бўлишимиз керакки, фольклор қўшиқларни ўрганганда юқорида айтилган ҳолатлар ўз таъсирчанлик кучига эга эканлигини унутмаслигимиз лозим.

Муаллиф: Р. Саримсоқов

1. Ким дейди

Ким дейди, кимлар дейди, кимдир ўйинда
Шои бўлмай номошом бўлмай болқон қўйнингда
Қўш чинорнинг панасида жойларингиз-ей
Шивирлашиб эшиттилар гапларингиз-ей

Шунчалар ҳам қизиқмиди гапларингиз-ей
Ўзларига тортиб кетар лаблариниз-ей

2. Ака-ука ёру-жўра

Ака-ука, ёру-жўра, йиғилдилар гаштакка
Сўйлоқ улоқ, эчки така йиғилдилар гаштакка
Даврамизда базм бўлар, ўйин бўлар, назм бўлар,
Кўп ҳазиллар ҳазм бўларйиғилинглари гаштакка.

3. Эй жўралар

Ҳой жўралар суҳбатдошлар
Тенқур дўстлар қари ёшлар
Чақ-чақлашар замон бўлди.
Ўйнаб кулинг давradoшлар.

Ишқ савдоси тушди бошга
Мен ошиқман қалам қошга
Яйраб яйраб тўй қилайлик
Кўз тиймасин қалам қошга.

4. Кўкда юлдуз порлайди.

Кўкда юлдуз порлайди
Йигит ўйнаб толмайди
Давра бугун ҳаммани-е ҳайёра
Беш қарсакка чорлайди-е чорлайди.

Бешқарсак бешқарсак
Ўнг кўлимда бешқарсак
Бешқарсак бешқарсак
Чап кўлимда бешқарсак

Кўлда чертиб торини
Шўх кўшиқлар чнграсин
Давраларни кенг олиб ҳай ёра
Шўх қизлар ҳам ўйнасин-а ҳай ёра

Ўйиннинг оз-озига
Ўйнаб кулинг созига
Шундай гўзал замондая ҳай ёра
Ўйнаб кулинг нозигая, нозига.

5. Гул ҳовуз

Эшик олди гул ҳовуз-о
Гул тергани келганмиз
Гулни баҳона қилиб-о
Ёр кўргани келганмиз

Хополосига ўйнасин-о
Жупаласига ўйнасин-о
Нақорат
Хой бола эшил
Хой бола бурол

Атлас кўлак кийишгано
Ўзлари хўп келишган
Ғаллаоролнинг қизлари-ё
Тенгинг топилмасмиди.

6. Бу анжуман

Бу анжуман баҳона
Дилларда шўх тарона
Қўшиқ айтиб куйлайлик
Мазза қилиб ўйнайлик
Товусдай товланган қиз
Ўттизлардадир ёши
Порлаб турар қуёши,
Дуо қилсин элбоши
Қаранглар жўра боши
Ўттизлардадир ёши
Порлаб турар қуёши
Дуо қилсин элбоши
Шилдиратиб желагин
Ялтиратиб қўйлагин
Келинлар тонгда чиқар
Эгилар салом берар.

Я-ҳей лўк, я-ҳей-чўк
Я-ҳей менга боқ, я-ҳей қошинг қоқ
Я-ҳей пирилла, я-ҳей дирилла.
Оқ қоғозгапириллар
Бандангининг дириллар
Хоновлар, миновлар
Тол чивикдай буралар
Ғаллаорол ўғлонлари
Мард йигит шунқорлари
Тўйга тўёна бўлсин
Куй-қўшиқ оҳанглари
Ғаллаоролнинг қизлари
Ой юзли қирмизлари
Сахнада хиром этар
Истиклол юлдузлари

7. Гўжала

Чирмандани боғда кўринг
Садосини тоғда кўринг
Унда кўринг, бунда кўринг
Томошани бизда кўринг.

Аҳай жонингга борман
Учта сўзингга зорман

Яллоларга акажон
Давраларда тайёрман

Чорини эланг, чорини
Чорини эланг, чорини.

Э-воҳ ғужола
Э-воҳ ғужола

Ўртамизда диловор
Кўнгилларда тановар,
Ғаллаоролнинг қизлари-ей
Тиллоларга баробар.

Чорини эланг, чорини
Чорини эланг, чорини
Э-воҳ жарашади.
Э-воҳ жарашади
Воҳ-хо жўрғала
Во-хо жўрғала

8. Гулсандиқ

Олингизлар қизлар, олингизлар
Гул сандиқда гуллар бор

Бедана бўлиб учдинг
Бедапояга тушдинг
Пешонангдан кўрабер
Жомон болага тушдинг

Шундан бордим обизга
Отим тойди-ку музга
Отим тойса майлига
Ишқим кетади қизга

Сайраган булбул бўлай
Қўлингдаги гул бўлай

Бунчалар ноз қилмасанг
Ўйлаганинг мен бўлай.

9. Ўзингиздан кўринг куёв бола

Ўзингиздан кўринг куёв бола
Ўзингиздан кўринг, ўзингиздан
Қиз тарафга борсангиз
Йўлингиздан қисаман, йўлингиздан.

Чимилдиққа кирсангиз
Изингиздан қисаман, изингиздан

Ўзингиздан кўринг куёв бола
Ўзингиздан кўринг, ўзингиздан

Чанқаб сув сўрасангиз
Сувингиздан қисаман, сувингиздан

Ором олай десангиз
Тунингиздан қисаман, тунингиздан.

10. Қулли бўлсин

Қулли бўлсин қулли бўлсин
Қулли бўлсин, жўражон
Қулли бўлсин, жўражон
Ийингизда тўнингиз
Янаги жил зар бешикда
Жилаб жотсин улингиз

Нақорат

Ичар сувинг булоқда
Ризқинг жўра мўл бўлсин
Бошингизга бахт қуши
Қўнганлиги рост бўлсин.

**11. Дупир-дупир от келар-
(Йигитлар ёр-ёри)**

Дупир-дупир от келар, алёр-ёр-ёрей
Аравада гул келар, гул-ёр-ёрей
Араванинг бир четида гул-ёр-ёрей
Куёв бола хуш келар гул –ёр-ёрей

Қорапчининг тош йўлидан алёр-ёр-ёрей
Мен отимни жеталадим гул-ёр-ёрей
Ғаллаоролнинг қизларидан гул-ёр-ёрей
Боғчамизга жеталадим гул-ёр-ёрей

12. Шилдирайди.

Шилдирайд бурингинанг тагаси
Навкаларни ктиб олинг янгаси
Остонада туриб қолди ҳаммаси
Чиқақолинг кутиб олинг янгаси.

Алёр айтиб эшикдан
Навкар келар
Чечалар жоним кўзларига
Ёшлар келар

13.Сув келади оқтошдан

Сув келади оқтошдан хой айланай-айланай
Савдогар бўлдим ёшдан хой айланай-айланай
Савдогарлик қурисин хой айланай-айланай
Айрилдим қалам қошдан хой айланай-айланай

Қўйтош конида битта
Маржонбулоқда битта
Мен танлаган гўзал бор
Ғаллаоролда битта

Шундан бордим обизга
Отим тойди музга
Отим тойса майлига
Ишқим кетади қизга.

14.Байт-барак

Байт айтаман боса
Кийган кўйлагинг қоса
Бизлар байт айтганда
Жамоат қулоқ соса

Орабани от тортар
Соясида ким жотар
Отанг қурсин беиймон
Сени кимларга сотар

Зарғалдоқ айтар соним жўқ
Бўғизласанг қоним жўқ
Ҳамма қушдан кичкина
Ҳечам менга тиним жўқ

15.Ҳасан-Ҳусан, Патма-Завра

Белгинангиз уч энли
Бўйингизга тенг кели
Қочаман деб уринма
Қор ёмғири, зўр сели.

Ҳасан-Ҳусан, Патма-Завра,
Тойир-Зойир, Асал-шири.
Ширин-шакар кимга боқар

Кунга боқар,кимга боқар.

16.Такрон този

Такран такран този
Сизлар кимдинг қизи
Бой бовонинг қизи
Бой бовонинг ийти бор
Қулоғида пийти бор.

Такран такран този
Бизлар кимдинг қизи
Бой бовонинг қизи
Бойбовонинг неси бор
Ҳамён, ҳамён пули бор

Жўравой жўрға, иттга тўрба
Савзи, пиёз, қум сирка

Потма-патир, жупқа қотир
Жуқманг пишса бизни чақир

Жараш, жараш
Ўртоғми тўқмоқ
Ҳаммамиз ўла-ўлгунча ўртоқ

17. Ғаллаоролда базм бор

Ғаллаоролда базм бор
Жўраларинг олиб бор
Чопонингнинг ичига
Дуторингни солиб бор

Ака отинг кўпмиди
Кўк бедаси жўқмиди
Мунча менга қарайсан
Ҳеч кўрганинг жўқмиди.

17. Ғаллаоролда базм бор

18. Қайнана товоқ (куёв навкарлар ва чечалар айтишуви)

Чечалар:
Қат-қатгина қатлама
Қатланади дейинму
Ширингина қатламани
Қайнона товоқ дейму

Чечалар:
Тўйга аталган қўйни
Сўйиб олдиқ куёвжон
Жиллик билан тўшини
Сизга солдиқ куёвжон

Йигитлар:
Тўлиқ бўлсин тўғиз тобоқ шартлари
Тилла топар жигитларнинг мардлари

Чечалар:
Бўғирсок товокла

Чечалар:
Жайма жайдим тахтайда
Куёв бола михтайда
Барак қилдим қовурма
Жиззиқ патир оҳ қайда

Йигитлар:
Тўғизтобоқ безатибсиз ҳой чечалар
Мижжа қоқмай ўтирибсиз кечалар

Чечалар:
Маяк қўйдим хум чала
Оқлиқ бўлсин доимо
Таъзимдамиз барчага
Поклик бўлсин эй худо

Йигитлар:
Неча бўлса бўш кетмайди товоғингиз
Ўйнаб-кулинг, солманг мунча
қовоғингиз.

18



Тузувчи:

Раҳматилла Саримсоқов

Мухаррирлар:

Рўзимуҳаммад Шайманов,
Абдуманнон Маҳамматов,
Ҳасанбой Қодиров

Нашрга масъул:

Содиқ Лутфуллаев

**Матнни оққа кўчирувчи
ва саҳифаловчи:**

Турдибек Наматов

Ноталарни оққа кўчирувчи:

Шаҳноза Жонзоқова

Қўшиқ тўпловчи:

Азамат Тугалов

**Қўшиқлар матни Ғаллаорол туман марказий маданият уйи
қошидаги “Гаштак” фольклор-этнографик халқ жамоаси репертуаридан
танлаб олинди.**



Мундарижа

1 «Ким дейди».....	2 бет
2. «Ака-ука ёру-жўра».....	3 бет
3. «Эй жўралар».....	4 бет
4. «Кўкда юлдуз порлайди».....	5 бет
5. “Гул ҳовуз”	6 бет
6. “Бу анжуман”	7 бет
7. “Гўжала”	8 бет
8. “Гулсандиқ”	9 бет

9. “Ўзингиздан кўринг куёв бола”

- “Қулли бўлсин”.....10 бет
10. “Дупир-дупир от келар”.....11 бет
11. “Шилдирайди”.....12 бет
12. “Сув келади оқтошдан”.....13 бет
13. “Байт-барак”.....14 бет
14. “Ҳасан-Ҳусан, Патма-Завра”.....15 бет
15. “Такрон този”.....16 бет
16. “Ғаллаоролда базм бор”.....17 бет
16. “ Қайнана товоқ (куёв навкарлар ва чечалар айтишуви)”.....18 бет